ҚҲММБ: 09/20/332/0693-сон
28.05.2020 й.

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 27 » май № 332 Toshkent sh.

## Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Сурхондарё вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, ҳудуднинг ноёб тарихий-маданий ва меъморий обидалари билан туристларни кенг таништириш, замонавий туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва кўрсатилаётган туризм хизматлари сифатини такомиллаштириш, ички туризмни фаоллаштириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадлари ўсишини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

2020-2021 йилларда Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Сурхондарё вилоятида "Олтин учбурчак" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари режаси 2-иловага мувофиқ;

Сурхондарё вилоятида турли ихтисосликдаги касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича замонавий клиникалар фаолиятини йўлга қўйиш ва тиббиёт туризмини ривожлантириш чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ;

Сурхондарё вилоятига қўшни давлатлар аҳолисининг ташрифини санитария-эпидемиологик талабларга қатъий риоя этган ҳолда кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ;

Сурхондарё вилоятида жойлашган Окс Александрияси (Кампиртепа) археология ёдгорлигини муҳофаза қилиш, инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда ушбу объектни сайёҳлар ташриф буюрадиган масканга айлантириш чора-тадбирлари режаси 5-иловага мувофиқ;

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги "Қоратепа" ва "Фаёзтепа" ҳамда Шўрчи туманидаги "Далварзинтепа" ёдгорлигини муҳофаза қилиш, ҳудудини ободонлаштириш, инфратузилмасини такомиллаштириш ва сайёҳлар

ташриф буюрадиган масканга айлантириш чора-тадбирлар режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, 1-6 иловаларга мувофиқ дастур ва режаларга киритилган тегишли чора-тадбирлар маҳаллий бюджет параметрларида назарда тутилган маблағлар, ижрочилар маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари доирасида молиялаштирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги 1-6 иловаларга мувофиқ дастур ва режалардаги вазифаларнинг бажарилишини назорат қилсин ва ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 10 санасига қадар уларни бажариш ҳолати юзасидан Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга маълумот киритиб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг 2020 йилнинг июль ойидан бошлаб, Термиз-Сариосиё-Денов-Бойсун-Шеробод-Термиз йўналиши бўйлаб туристлар учун мўлжалланган автобусларнинг “City Tour” принциплари асосида мунтазам қатновини йўлга қўйиш орқали “Олтин учбурчак” лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси автобусларнинг мунтазам қатнови йўлга қўйилиши тўғрисида туроператорлар, меҳмонхоналар, гидлар ва бошқа туризм соҳаси вакиллари ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб борилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Бойсун туманидаги Омонхона қишлоғи, Зовбоши тоғли ҳудуди, Дарбанд қишлоғи ҳудудларини ўз ичига олган - Бойсун кичик туризм зонасига инвесторларни жалб қилган ҳолда, туризм инфратузилмасини барпо этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чораларини кўрсин.

5. “Ҳунарманд” уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда вилоятда эсдалик совға маҳсулотларининг турларини диверсификация қилиш, хусусан тарихий-маданий ва археология, ислом зиёрати, экология, буддизм объектлари, гастрономик ва бошқа туризм турларини акс эттирувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Сурхондарё вилояти хокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда Сурхондарё

ҚҲММБ: 09/20/332/0693-сон
28.05.2020 й.



вилоятидаги Сурхон давлат қўриқхонаси худудида туризмни ривожлантириш мақсадида ушбу ҳудудда жойлашган “Зараутсой қоятош суръатлари” туризм намойиши объектларини қўриқхонанинг қўриқланма зонасига чиқариш юзасидан таклиф киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда Зараутсой қоятошларидаги битикларни сақлаб қолиш ва ёш авлодга кенг таништириш мақсадида Зараутсой тарихи ҳақида чоп этилган китобларни саралаш ва янгидан чоп этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида мақолалар ва тематик кўрсатувларни ташкил этиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдуҳакимов ва Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** — **А. Арипов**

UMUMIY BO’LIM № 3
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI

ҚҲММБ: 09/20/332/0693-сон
28.05.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "27" май даги 332 сон қарорига
1-илова

**2020-2021 йилларда Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш бўйича комплекс**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Сурхондарё вилоятининг туристик инфратузилмасини ривожлантириш** | | | | |
| 1. | Сурхондарё вилояти ҳудудий инвестиция дастурлари асосида:<br>20 та меҳмонхоналар қуриш орқали 1 115 дан ортиқ янги жойлаштириш ўринларини яратиш;<br>170 га яқин ўринга мўлжалланган 4 та соғломлаштириш марказлари ташкил этиш;<br>487 ўринли 60 та оилавий меҳмон уйларини ташкил этиш. | 1. Лойиҳаларнинг тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш;<br>2. Қурилиш ишларини амалга ошириш;<br>3. Белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш. | 2020 йил | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 2. | Йирик зиёрат туризми объектлари атрофида 6 та ҳунармандчилик марказлари ва хизмат кўрсатиш объектлари фаолиятини йўлга қўйиш. | 1. Лойиҳаларнинг тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш;<br>2. Қурилиш ишларини амалга ошириш;<br>3. Белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш. | 2020 йил | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>"Ҳунарманд" уюшмаси,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 3. | Сурхондарё вилоятида туристлар ташриф буюрадиган барча маданий мерос объектлари, зиёратгоҳлар, музейлар, меҳмонхоналар, ҳунармандчилик марказлари ва бошқа туризм | 1. Wi-Fi нуқталари ўрнатилиши зарур бўлган объектлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш.<br>2. Тасдиқланган рўйхат асосида Wi-Fi нуқталарини ташкил этиш. | 2020 йил | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Ахборот технологиялари ва |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | объектлари ҳамда аҳоли гавжум жойлар, хусусан бозорлар, шохбекатлар, йўл бўйи хизмат кўрсатиш шохобчалари, истироҳат боғларида ўрнатилган тартибда Wi-Fi зоналарини ташкил этиш. | | | коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |
| 4. | Вилоятдаги зиёратгоҳлар, археологик, маданий мерос ва бошқа туризм объектларига олиб борувчи йўлларда ахборот берувчи йўл кўрсаткичларини ўрнатиш. | 1. Зиёратгоҳ, археологик объектлар, маданий мерос объектларга олиб борадиган йўлларнинг ва йўл белгилари ўрнатиладиган жойларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш;<br>2. Шакллантирилган рўйхат бўйича "O'z Dst 3331:2018" стандарти асосида йўл кўрсаткичларини ўрнатиш. | 2020 йил сентябрь | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>масъул вазирлик ва идоралар |
| 5. | Туристлар кўп ташриф буюрадиган жойлар ва сайёҳлик маршрутларида 50 та санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш. | 1. Санитария-гигиена шохобчалари ўрнатиладиган жойларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш<br>2. Ташаббускор тадбиркорларни аниклаш;<br>3. Лойиҳаларни ишлаб чиқиш;<br>4. Санитария-гигиена шохобча-ларини қуриш. | 2020 йил октябрь | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>ташаббускорлар |
| 6. | Сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган масканларда, хусусан Термиз археология музейи ҳамда вилоят тарихи ва маданияти музейларида туризм ахборот марказларини ташкил этиш. | 1. Туризм ахборот марказларини қуриш истагини билдирган ташаббускор тадбиркорларни аниқлаш;<br>2. Лойиҳаларни ишлаб чиқиш;<br>3. Ахборот марказларини қуриш ва фойдаланишга топшириш. | 2020 йил ноябрь | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Маданият вазирлиги,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, ташаббускорлар |
| **II. Транспортнинг барча турлари қатновини кескин кўпайтириш чораларини кўриш ва сервис хизматларини ривожлантириш** | | | | |
| 7. | Термиз халқаро аэропортига Япония, Корея Республикаси, | 1. Хорижий авиакомпанияларни жалб қилган ҳолда Термиз халқаро аэропортига | 2022 йил | Транспорт вазирлиги, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Индонезия ва Европа давлатларидан авиақатновларини йўлга қўйиш бўйича таклиф киритиш.<br>Шунингдек, Термиз-Самарқанд, Термиз-Бухоро ва Термиз-Фарғона йўналишларида мавсумий авиақатновларини ташкил этиш. | хорижий давлатлардан тўғридан-тўғри авиарейсларни амалга ошириш масаласини кўриб чиқиш;<br>2. Ички чартер авиақатновларни Карантин талаблари асосида белгиланган тартибда йўлга қўйиш. | Туристик ташкилотлар томонидан келиб тушган талабномалар асосида | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 8. | Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида йўловчиларни ҳаво кемасига кўтарилиши ва ҳаво кемасидан тушиши учун янги траплар харид қилиш. | 1. “Uzbekistan Airpots” АЖ томонидан янги траплар харид қилиш масаласини кўриб чиқиш;<br>2. Янги траплар харид қилиш. | 2021 йил | Транспорт вазирлиги,<br>“Uzbekistan Airpots” АЖ |
| 9. | Туристик мавсум даврида Бухоро, Урганч шаҳарларидан Термиз шаҳри ва Узун туманига поездлар қатновларини йўлга қўйиш. | 1. Туристик мавсум даврида туризм ташилотлари талабномаларидан келиб чиққан ҳолда Бухоро ва Урганч шаҳарларидан Термиз шаҳри ва Узун туманига қўшимча поезд қатновларини йўлга қўйиш. | 2020 йил сентябрь ойидан бошлаб | Транспорт вазирлиги,<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |
| 10. | Темир йўл вокзалларида йўловчи ва сайёҳларга хизмат кўрсатувчи “RENT A CAR” автотранспорт воситаларини ижарага бериш хизматини ташкил этиш. | 1. “Сурхондарё вилоятида жойлашган темир йўл вокзалларида йўловчи ва сайёхларга хизмат кўрсатувчи “RENT A CAR” автотранспорт воситаларини ижарага бериш хизматини ташкил этиш. | 2020 йил сентябрь | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Транспорт вазирлиги |
| 11. | Термиз-Тошкент, Термиз-Бойсун, Термиз-Денов, Термиз-Узун йўналишларда автобус қатновини йўлга қўйиш. | 1. Транспорт вазирлиги томонидан туризм ташилотлари талабномаларидан келиб чиққан ҳолда туристик мавсум даврида | 2020 йил сентябрь ойидан бошлаб | Транспорт вазирлиги,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | автобус қатновини йўлга қўйиш масаласини кўриб чиқиш. | | |
| **III. Автомобиль йўллари инфратузилмасини шакллантириш ва хизмат кўрсатиш қамровини кенгайтириш** | | | | |
| 12. | "Султон Саодат" мажмуасини Ал-Ҳаким ат-Термизий ёдгорликлар мажмуаси билан боғловчи йўлларни тубдан қайта таъмирлаш ва Термиз халқаро аэропорти билан боғловчи янги автомобиль йўлларини барпо этиш. | 1. "Султон Саодат" мажмуасини Ҳаким ат-Термизий мажмуаси билан боғловчи 4Р-206 автомобиль йўлининг 7,3-10,5 км, 4К-599Г автомобиль йўлининг 0-3,65 км (0-1,7 янги йўналиш), 4К-599 В 2,6 км М39 автомобий йўлининг 1452 км билан боғловчи янги йўналишдаги автомобиль йўли жами 9,2 км узунликдаги қисмини қайта қуриш;<br>2. Термиз халқаро аэропорти ва "Султон Саодат" мажмуасини боғловчи 4Р-206 автомобиль йўлининг 9,5 км қисмида 4К-599А автомобиль йўлини боғловчи 1,2 км узунликдаги автомобиль йўлини янгидан қуриш. | 2020-2021 йиллар | Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, мутасадди вазирлик ва идоралар |
| 13. | М-39 автомагистрал йўлининг қолган 15 км қисмини ва М-41 автомагистрал йўлларини вилоятдан ўтадиган таъмирталаб қисмларини тўлиқ таъмирлаш. | 1. М-41 автомагистрал йўлининг вилоятдан ўтадиган қисмида таъмирталаб участкаларини Лойиҳанинг тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш;<br>2. Йўлларни таъмирлаш ишларини амалга ошириш. | 2020-2023 йиллар | Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, мутасадди вазирлик ва идоралар |
| 14. | Термиз туманидаги Қоратепа, Зурмала ёдгорликларига олиб борувчи автомобиль йўлларини ва пиёдалар йўлагини хатловдан ўтказган ҳолда қуриш. | 1. Лойиҳанинг тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш;<br>2. Белгиланган муддатларда қурилиш ишларини амалга ошириш. | 2020 йил | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, мутасадди вазирлик ва идоралар |
| 15. | Музработ туманидаги Кампиртепа, Бойсун туманидаги Омонхона, Жарқўрғон | 1. Лойиҳанинг тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш; | 2020 йил | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | туманидаги Жарқўрғон минорасига олиб борувчи автомобиль йўлларини қайта хатловдан ўтказган ҳолда таъмирлаш. | 2. Белгиланган муддатларда таъмирлаш ишларини амалга ошириш. | | мутасадди вазирлик ва идоралар |
| **IV. Туристлар учун кўнгилочар масканлар, савдо марказлари, аквапаркларини барпо этиш, маданий тадбирлар ва халқаро фестивалларни ўтказиш** | | | | |
| 16. | Термиз шаҳрида ҳунармандчилик йўналишида **“Сурхон ипаги”** брэнд марказини ташкил этиш. | Ўзбекистоннинг Миллий бренди туширилган ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш. | 2020 йил сентябрь | Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, “Сурхон ипаги” МЧЖ |
| 17. | Бойсун туманидаги ҳунармандчилик марказида **“Қуроқ” матоси** брэнд марказини ташкил этиш. | Ўзбекистоннинг Миллий бренди туширилган ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш. | 2020 йил сентябрь | Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, ташаббускорлар |
| 18. | Жарқўрғон туманида Сарманган фольклор этнографик гуруҳи ва ҳунармандчилик марказида **“Миллий либослар”** брэнд марказини ташкил этиш. | Ўзбекистоннинг Миллий бренди туширилган ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш. | 2020 йил сентябрь | Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, ташаббускорлар |
| 19. | Термиз шаҳрида Нарзулла Жўраев томонидан кулолчилик маҳсулотлари тайёрланувчи **“Ҳунармандчилик”** устахонаси | Ўзбекистоннинг Миллий бренди туширилган ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш. | 2020 йил сентябрь | Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |

ҚҲММБ: 09/20/332/0693-сон
28.05.2020 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ва бренд савдо дўконини ташкил этиш. | | | |
| **V. Зиёрат туризмини ривожлантириш** | | | | |
| 20. | Вилоятдаги зиёрат туризми объектларини рўйхатдан ўтказиш ва уларни санитария-эпидемиологик талаблардан келиб чиқиб сайёҳлар ташрифига тайёрлаш. | 1. Зиёрат туризми объектларини хатловдан ўтказиш;<br>2. Рўйхат ва дислокацияларни шакллантириш;<br>3. Объектларда “QR-code”лар ўрнатиш;<br>4. Пешлавҳаларини тартибга келтириш. | 2020 йил | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Ўзбекистон Мусулмонлар идораси,<br>Маданият вазирлиги,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 21. | Термиз тумани ҳудудида жойлашган “Султон Саодат” мажмуасини қайта реконструкция қилиш, алоҳида комплекс қурилиши (1000 ўринли масжид, маиший хизмат, қушхона, кичик марказ, кутубхона) бўйича маъқулланган таклиф асосида мажмуа ҳудудида сайёҳлик инфратузилмасини яратиш. | 1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш;<br>2. Лойиҳа-смета ҳужжатларига соҳавий ва давлат экспертиза хулосаларини олиш;<br>3. Қурилиш ишларни сифатли бажарилишини таъминлаш;<br>4. Объектларни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш. | 2020 йил | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Қурилиш вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>“Вакф” ҳайрия жамоат фонди |
| 22. | “Султон Саодат” ёдгорликлар мажмуаси, “Кокилдор ота” зиёратгоҳи, “Қирққиз калъаси” каби маданий мерос ёдгорликларини реставрация ва консервация қилиш. | 1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш;<br>2. Лойиҳа-смета ҳужжатларига соҳавий ва давлат экспертиза хулосаларини олиш;<br>3 Қурилиш ишларни сифатли бажарилишини таъминлаш;<br>4 Объектларни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш | 2020-2021 йиллар | Маданият вазирлиги,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Қурилиш вазирлиги,<br>“Вакф” ҳайрия жамоат фонди |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 23. | “Султон Саодат” мажмуаси ҳудудида “Ислом дини ва маърифати маркази”ни ташкил этиш. | 1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш;<br>2. Лойиҳа-смета хужжатларига соҳавий ва давлат экспертиза хулосаларини олиш;<br>3. Қурилиш ишларни сифатли бажарилишини таъминлаш;<br>4. Объектларни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш | 2021 йил август | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Қурилиш вазирлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Ўзбекистон Мусулмонлари идораси |
| 24. | “Саид Оталиқ” мадрасаси биносида тиклаш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш. | 1. Бинони тиклаш ва таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;<br>2. Тасдиқланган лойиҳа-смета хужжатларига асосан объектда қурилиш ва реконструкция ишларини олиб бориш.<br>3. Ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш. | 2020-2021 йиллар | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Ўзбекистон Мусулмонлари идораси |
| 25. | Жарқўрғон минораси ҳудудининг сайилгоҳ чегарасини белгилаш. Жарқўрғон минорасига олиб чиқувчи минора эшигини ўймакор ёғоч эшикка алмаштириш, ёдгорлик ҳудудида автотураргоҳ қуриш, замонавий типдаги СГШ ўрнатиш, минорани атрофдаги бинолар билан бирга ягона комплексга айлантириш. “BOOK CAFE”, хунармандлик ва зардўзлик, каштачилик, сўзана тикиш, тикувчилик ва тўқувчилик павильонларини ташкил этиш. | 1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш;<br>2. Тасдиқланган лойиҳа-смета хужжатларига асосан объектларда қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини олиб бориш;<br>3. Объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш;<br>4. Ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш. | 2020-2021 йиллар | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 26. | “Сўфи Оллоёр” зиёратгоҳи таркибига кирувчи мақбара ва мадрасани ягона комплексга айлантириш, зиёратгоҳ ҳудудида автотурагоҳ қуриш, миллий услубдаги ошхона, ҳунармандчилик савдо расталари, зиёратчилар томонидан ибодатларини амалга ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиш. | 1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш;<br>2. Тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан объектларда қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини олиб бориш;<br>3. Объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш;<br>4. Ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш. | 2020-2021 йиллар | Маданият вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, “Ҳунарманд” уюшмаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 27. | “Хўжа Алоуддин Аттор” ва “Мавлоно Муҳаммад Зоҳид” зиёратгоҳларида қурилиш ва тиклаш ишларини якунлаш ва сайёҳлар ташрифига тайёрлаш. | Объектларни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш. | 2020-2021 йиллар | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, “Ўзбек ипаги” уюшмаси, Маданият вазирлиги, ташаббускорлар |
| 28. | Сурхондарё вилоятидаги меҳмонхоналар хоналарида қибла томонини кўрсатувчи кўрсаткичлар ва ибодат амалларини тўла тўкис амалга ошириш учун жойнамозлар (намозхоналар) ташкил этиш. | Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатувчи персоналларга “Ҳалол” туризм хизматларини ўргатиш. | 2020 йил | Ўзбекистон Мусулмонлар идораси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, ташаббускорлар |
| | **VI. Археология туризми йўналишини ривожлантириш ва музейлар барпо этиш** | | | |
| 29. | Тешиктош ва Мачай ғорларига яқин жойлашган қишлоқларда сайёҳлар тунаб қолишлари учун зарур шароитларни яратиш. | 1. Маҳаллий аҳоли уйларидан меҳмон уйлари сифатида фойдаланиш;<br>2. Махсус палаткалар ташкил қилиш ва бошқа зарурий шароитларни яратиш;<br>3. Ғорларга чиқиш учун от ва эшаклардан фойдаланишни йўлга қўйиш. | 2020 йилдан бошлаб туристик мавсум вақтида | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 30. | Узундара ва Қўрғонзол ёдгорликлари тарғиботини кучайтириш ва сайёҳлар оқимини кўпайтириш. | 1. Тарғибот материалларини тайёрлаш, интернет тармоқлари ва ОАВ орқали тарғиботини кучайтириш;<br>2. “Александр Македонский изидан” деб номланувчи тур фаолиятини оммалаштириш. | Доимий | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги |
| 31. | Шеробод туманидаги 4000 йиллик тарихга эга бронза даври маданияти ёдгорлиги ҳисобланган “Жарқўтон” археологик объекти ёнида янги бино қуриш ва унда Жарқўтон музейи фаолиятини қайта тиклаш. | 1. Ёдгорлик ҳудудида қад ростлаган авария ҳолатидаги эски Жарқўтон музейи биноси ўрнига, янги бино қуриш ва замонавий витриналар билан жиҳозлаб, музей фаолиятини қайта тиклаш;<br>2. Янги музей фондини доим тўлдириб бориш, Жарқўтон ёдгорлигида археологик қазув ишларини самарали олиб бориш учун (археологларнинг қазув ишлари жараёнида яшашларини ҳисобга олиб) янги қурилаётган музей қошида “Археологлар уйи”ни ташкил этиш<br>3. Термиз археология музейи фондига вақтинча сақлаш учун берилган экспонатларни “Жарқўтон” музейига қайтариш ва ушбу экспонатлар асосида музей биносида янги кўргазма ташкил қилиш. | 2020-2021 йиллар | Маданият вазирлиги, Фанлар академияси Миллий археология маркази, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 32. | “Қоратепа” ва “Фаёзтепа” ёдгорликларида туристлар, илмий тадқиқотчилар ва ташриф буюрувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусан ёдгорликларнинг тарихий кўринишини сақлаган ҳолда мажмуанинг муҳофаза ҳудудидан | 1. Лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш;<br>2. Лойиҳа смета ҳужжатларини соҳавий ва давлат экспертиза хулосаларини олиш;<br>3. Қурилиш ишларини сифатли бажарилишини таъминлаш;<br>4. Объектни ўз вақтида фойдаланишга топшириш. | 2020-2021 йиллар | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Қурилиш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, мутасадди вазирлик ва идоралар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ташқарида замонавий комплекс дам олиш масканларини ташкил этиш. | | | |
| 33. | "Фаёзтепа" ва Ал-Ҳаким Ат-Термизий мажмуаларига келувчи сайёҳларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳududдаги мавжуд ҳашоротларни одам организмига зарар келтириши мумкинлиги жиҳатидан ўрганиш ва улардан сақланиш чораларини кўриш. | 1."Фаёзтепа" ва Ал-Ҳаким Ат-Термизий мажмуалари ҳудудида мавжуд ҳашоротларни одам организмига зарар келтириши мумкинлиги жиҳатидан ўрганиш ишларини олиб бориш;<br>2. Ўрганиш натижаларига кўра илмий асосланган хулоса тайёрлаш;<br>3. Ҳашоротларнинг инсон саломат-лигига зарарли эканлиги аниқланган тақдирда уларни йўқотиш чораларини кўриш. | 2020 йил августь | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш давлат қўмитаси |
| 34. | Вилоятдаги барча археологик ёдгорликлар тўғрисида ОАВ, интернет сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчилик, маҳаллий ва халқаро миқёсда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш. | Археологик ёдгорлик тўғрисида кенг жамоатчиликка ОАВ орқали тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш. | доимий | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси,<br>Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги,<br>Маданият вазирлиги |
| **VII. Янги туризм маршрутларини ташкил этиш ва маҳсулотларини ишлаб чиқиш** | | | | |
| 35. | Вилоятнинг тиббий, экстремал, агро, эко, саноат, археологик, спорт ва бошқа янги туризм йўналишлардаги имкониятларини ўрганиш ва сайёҳларнинг ташрифини ташкил этиш бўйича амалий чораларни кўриш. | 1. Янги туризм йўналишларини аниқлаш ва туристик айланмага киритиш чораларини кўриш;<br>2. Сайёҳлар ташрифини йўлга қўйиш учун зарурий шароитларни яратиш;<br>2. Янги туризм йўналишларига туристик компаниялар ва оммавий ахборот воситалари иштирокида инфо-турлар ташкил этиш. | 2020 йил август<br><br>доимий | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>мутасадди вазирлик ва идоралар |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 36. | Альпинизм, спелеотуризм, экстремал тоғ спорти туризми йўналишларини ривожлантириш ва сайёҳлар ташрифини йўлга қўйиш. | 1. Альпинизм, спелеотуризм, экстремал тоғ спорти туризми бўйича янги йўналишларни аниқлаш ва уларни туристик маршрутларга киритиш;<br>2. Сайёҳлар ташрифини йўлга қўйиш учун зарурий шароитларни яратиш;<br>3. Янги туризм йўналишларига туристик компаниялар ва оммавий ахборот воситалари иштирокида инфо-турлар ташкил этиш. | 2020 йил август<br><br>доимий | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, мутасадди вазирлик ва идоралар |
| 37. | Қумқўрғон туманидаги **“Жанубий сурхон”** сув омборининг муҳофаза ҳудудларида чуқур таҳлиллар асосида ўрганиш ўтказиб ва зарур инфратузилмани яратиб, экотуризмни ривожлантириш. | 1. ”E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдога қўйилган 0.5 га ер майдонида экотуризм объектларини барпо этиш учун талабгорларни аниқлаш;<br>2.Лойиҳаларнинг тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш;<br>3.Қурилиш ишларини амалга ошириш;<br>4. Объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш. | 2020-2021 йиллар | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, ташаббускорлар |
| 38. | Сариосиё туманидаги **“Тўпаланг”** сув омбори муҳофаза ҳудудларида чуқур таҳлиллар асосида ўрганиш ўтказиб ва зарур инфратузилмани яратиб, экотуризмни ривожлантириш. | 1. Сув омборига олиб борувчи 5 км йўлни капитал таъмирлаш;<br>2. Сув омборига олиб борувчи йўлда йўл кўрсатгичларини ўрнатиш;<br>3. Сув омборига олиб борувчи йўл атрофида сайёҳлар учун савдо расталарини ташкил этиш;<br>4. Ҳудудда инвесторлар учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида талаб этиладиган инфраструктурани барпо этиш. | 2020-2021 йиллар | Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 39. | Узун туманидаги “Меҳнат фахрийси Бобомурод Омонов” музейи биносини тўлиқ таъмирлаш, экспонатларини қайтариш, музей фаолиятини қайта тиклаш.<br>Музей ҳудудига яқин бўлган Ботаника боғини ободонлаштириш, боғ ҳудудида дам олиш инфратузилма яратиш. | 1. Лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш;<br>2. Лойиҳа смета ҳужжатларини соҳавий ва давлат экспертиза хулосаларини олиш;<br>3. Қурилиш ишларини сифатли бажарилишини таъминлаш;<br>4. Объектни ўз вақтида фойдаланишга топшириш. | 2020 йил | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 40. | Денов туманидаги Дендра боғини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, боғ ҳудуди инфратузилмасини яратиш ва яхшилаш. | 1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва давлат экспертиза хулосаларини олиш;<br>3. Қурилиш ишларини сифатли бажарилишини таъминлаш. | 2020 йил октябрь | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>ташаббускорлар |
| 41. | Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича бўлинмалари тўғрисида қисқача маълумотлар тайёрлаш ва тарқатиш. | 1. Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича бўлинмалари тўғрисида қисқача маълумотларни ўз ичига олувчи материалларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш. | 2020 йил июль | Ички ишлар вазирлиги,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, |
| **VIII. Туризм соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг малака ва кўникмаларини ошириш** | | | | |
| 42. | “Ипак йўли” халқаро туризм университети ва Термиз давлат университети билан Туркия, Япония, Тайланд, Малайзия, Индонезия каби давлатларнинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш. | 1. Туркия, Япония, Тайланд, Малайзия, Индонезия каби давлатларнинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар ҳамда мутахассис ходимларни таълим жараёнига жалб этиш.<br>2. “Ипак йўли” халқаро туризм университети ва Термиз давлат университети профессор-ўқитувчиларини мазкур давлатларга туризм йўналиши бўйича малака ошириш ва стажировка ўташ учун юбориш чораларини кўриш. | Режа-жадвал асосида | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси,<br>Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари |

ҚҲММБ: 09/20/332/0693-сон
28.05.2020 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 43. | Туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи кадрлар (меҳмонхоналар, туроператорлар, музейлар, ресторанлар, маданият марказлари ходимлари, туризм полицияси ва бошқалар) малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш. | “Туризм соҳаси кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази”да курслар ташкил қилиш бўйича ўқув дастурларини шакллантириш, модераторларни тайинлаш, аудиторияни шакллантириш. | Йил давомида | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |

ҚҲММБ: 09/20/332/0693-сон
28.05.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "27" майдаги 332 сон қарорига
2-илова

## Сурхондарё вилоятида "Олтин учбурчак" лойиҳасини амалга ошириш
## ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Термиз-Сариосиё-Денов-Бойсун-Шеробод-Термиз йўналиши бўйлаб ҳар бир ҳудудда мавжуд бўлган туризм объектларнинг рўйхатларини ва улар тўғрисидаги батафсил маълумотларни шакллантириш. | 1. Ҳар бир йўналишда мавжуд бўлган туризм объектларни чуқур ўрганиб чиқиш;<br>2. Ўрганиш якунлари асосида туризм объектларининг рўйхатларини ва улар тўғрисидаги батафсил маълумотларни шакллантириш;<br>3. Шакллантирилган маълумотларни буклет ва флаерлар кўринишида чоп этиш ва тарқатилишини таъминлаш. | 2020 йил август | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 2. | Йўналиш бўйлаб автобус бекатларини қайси манзилда жойлаштирилиши бўйича асослантирувчи таклифлар тайёрлаш ҳамда Транспорт вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигига тақдим этиш. | 1. Термиз-Сариосиё-Денов-Бойсун-Шеробод-Термиз йўналишини жойига чиққан ҳолда ўрганиш;<br>2. Автобус бекатларини жойлаштириш учун салоҳиятли бўлган ҳудудларни белгилаш;<br>3. Белгиланган ҳудудларни Транспорт вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигига тақдим этиш. | 2020 йил август | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 3. | Йўналиш бўйича махсус хариталар ишлаб чиққан ҳолда, меҳмонхоналар, аэропорт ва вокзаллар, туроператорлар ва барча манфаатдор томонларга бепул тарқатилишини таъминлаш. | 1. Йўналиш бўйича махсус хариталар ишлаб чиқиш;<br>2. Тайёр хариталарни меҳмонхоналар, аэропорт ва вокзаллар, туроператорлар ва барча манфаатдор томонларга бепул тарқатилишини таъминлаш. | 2020 йил сентябрь | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4. | Лойиҳани амалга оширишда барча иштирок этувчиларнининг (автобус ва такси ҳайдовчилари, гидлар, маҳаллий аҳоли ва бошқалар) малакасини ошириш бўйича махсус ўқув-тренинглар ташкил этиш. | 1. Лойиҳа жараёнларида иштирок этувчиларнининг рўйхатини шакллантириш;<br>2. Шакллантирилган рўйхат бўйича уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув-тренинглар ташкил қилиш. | 2020 йил | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 5. | Йўналишни ўз ичига олган ҳудудларда меҳмон уйлари, турли ҳунармандлар хонадонлари ва устахоналари каби қизиқарли ва ноодатий манзилларни лойиҳага жалб этиш ва шу орқали туристларни ушбу жойларда қолиш муддатларини узайтириш чораларини кўриш. | 1. Йўналишни қамраб олган ҳудудларни ўрганиш;<br>2. Жойларда меҳмон уйлари, турли ҳунармандлар ҳонадонлари ва устахоналарни ушбу лойиҳа доирасидаги сайёҳлик маршрутларига жалб қилиш. | доимий | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 6. | Йўловчиларнинг фикр ва таклифларини доимий равишда таҳлил қилиб бориш мақсадида, турли тилларда сўровнома ишлаб чиқиш ва барча автобусларга жойлаштирилишини таъминлаш. | 1. Намунавий сўровнома ишлаб чиқиш;<br>2. Сўровномани турли тилларга таржима қилиш;<br>3. Қатновлар йўлга қўйилган сўнг, сўровномаларни жойлаштириш ва доимий таҳлил қилиб бориш. | автобус ҳаракатлари йўлга қўйилгандан сўнг доимий равишда | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 7. | Лойиҳа доирасида алоҳида ҳар бир тўхташ жойларида мавжуд бўлган таклиф этилувчи хизматларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда буклетлар ва флаерлар кўринишида чоп этилишини таъминлаш. | 1. Алоҳида ҳар бир тўхташ жойларида мавжуд бўлган таклиф этилувчи хизматларнинг рўйхатини шакллантириш;<br>2. Буклетлар ва флаерлар кўринишида чоп этиш ва бекатларда жойлаштирилишини таъминлаш. | автобус ҳаракатлари йўлга қўйилгандан сўнг доимий равишда | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 8. | Лойиҳани барча ОАВларида кенг ёритилишини, туризм маршрутларига киритилишини ҳамда турли инфотурлар ташкил этилишини таъминлаш. | 1. Кенг қамровли тарғибот ишларини олиб бориш;<br>2. Сайёҳлик маршрутларига киритилишини таъминлаш. | автобус ҳаракатлари йўлга қўйилгандан сўнг доимий равишда | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 9. | Йўналиш бўйича ҳаракатланувчи автобусларни алоҳида ранглар ва “Олтин учбурчак” (“Golden Triangle”) белгиларини жорий қилиш орқали бошқа автобуслардан фарқлаш чораларини кўриш. | 1. Лойиҳа доирасидаги автобусларга алоҳида ранглар ва “Олтин учбурчак” (“Golden Triangle”) белгиларини жорий қилишдан олдин Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишиш. | автобус ҳаракатлари йўлга қўйилишдан олдин | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги |
| 10. | Йўналиш бўйича янги автобус бекатлари учун тегишли ер майдонларини ажратилишини таъминлаш. | 1. Лойиҳа доирасида янги қуриладиган автобус бекатлари учун ер майдонларини аниқлаш ва белгиланган тартибда ташаббускорларга ажратиш | 2020 йил сентябрь | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 11. | Автобус бекатларини доимий равишда фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида, давлат-хусусий шерикчилик принциплари асосида бекатларни турли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун тадбиркорлик субъектларига бириктирилишини таъминлаш. | 1. Давлат-хусусий шерикчилик принциплари асосида бекатларни турли хизмат кўсатишни йўлга қўйиш учун тадбиркорлик субъектларига бириктирилишини таъминлаш. | 2020 йил сентябрь | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 12. | Автобуслар тўхташ бекатларини махсус белгилар билан ажратиш ва лойиҳа доирасидаги барча бекатларни намунавий тарзда бир ҳиллигини таъминлаш. | 1. Бекатларни махсус белгилар билан ажратиш ва лойиҳа доирасидаги барча бекатларни намунавий тарзда бир хиллигини таъминлаш чораларини кўриш ва жараённи Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишиш. | 2020 йил октябрь | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 13. | Ҳар бир бекатларда хизмат кўрсатувчи такси транспорт воситаларига “Олтин учбурчак” (“Golden Triangle”) белгиларини жойлаштириш. | 1. Бошқа такси хизматларидан фарқлаш мақсадида, траспортларга “Олтин учбурчак” (“Golden Triangle”) белгиларини жойлаштириш ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишиш . | 2020 йил октябрь | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 14. | Ҳар бир автобусларда сўровномалар сақланувчи махсус кутича жойлаштириш. | 1. Махсус кутичалар барча йўловчилар учун кўриш мумкин бўлган ҳолатда жойлаштириш.<br>2. Ҳар ой якунлари билан ушбу сўровномаларни Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармасига тақдим этиб бориш. | автобус ҳаракатлари йўлга қўйилгандан сўнг доимий равишда | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Транспорт вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 15. | Автобус хизмати учун чипталарни онлайн харид қилиш тизимини жорий қилиш чораларини кўриш. | 1. Чипталарни онлайн ҳарид қилиш имкониятини яратиш. | 2020 йил октябрь | Транспорт вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 16. | Лойиҳа доирасидаги барча автобусларда ўрнатилган тартибда Wi-Fi тармоғи қамровини ташкил этиш, ҳар бир объект бўйича роликлар тайёрланиб махсус экранлар орқали туристларга таништириб бориш ва автобусларда аудио-гид тизимини жорий қилиш. | 1. Лойиҳа доирасидаги барча автобусларда Wi-Fi технологияси асосида Интернет тармоғига кириш имкониятини яратиш.<br>2. Ҳар бир объект бўйича роликлар тайёрлаш.<br>3.Турли тиллардаги аудио-гид хизматини жорий қилиш. | автобус ҳаракатлари йўлга қўйилгандан сўнг | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Транспорт вазирлиги,<br>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги |
| 17. | Автобус хизматларини баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш ҳамда вилоят туристик харитасини яратиш ва унда “Олтин учбурчак” автобус бекатлари жойлашган нуқталарни кўрсатиб ўтиш мақсадида мобиль илова ишлаб чиқиш | 1. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси автобуслар хизматини баҳолаб бориши учун мобиль илова ишлаб чиқиш.<br>2. Мобиль иловада “Олтин учбурчак” автобус бекатлари жойлашган нуқталарни кўрсатиб ўтиш. | 2020 йил октябрь | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги |
| 18. | Лойиҳа доирасидаги бекатларда ва маданий мерос ҳудудларида замонавий санитария-гигиена шохобчаларини барпо этиш. | 1.Бекатлар рўйхатларини шакллантириш;<br>2.Шакллантирилган рўйхатлар асосида тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда СГШ ўрнатиш. | 2020-2021 йиллар | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |

ҚҲММБ: 09/20/332/0693-сон
28.05.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "27" майдаги 332 сон қарорига
3-илова

**Сурхондарё вилоятида турли ихтисосликдаги касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича замонавий клиникалар фаолиятини йўлга қўйиш ва тиббиёт туризмини ривожлантириш**

**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Сурхондарё вилоятида Тошкент шаҳридаги нуфузли клиникаларнинг филиалларини очиш. | 1. Вилоят аҳолиси ва ҳудудга қўшни республикалардан келувчи туристларнинг тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини ўрганиш.<br>2. Ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, турли йўналишдаги клиникалар фаолиятини ташкил этиш. | 2020-2021 йиллар давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 2. | Вилоятда хусусий клиникалар фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг сонини ва хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш. | 1. Вилоятда жойлашган хусусий клиникаларда даволаш тизимини ҳам йўлга қўйиш.<br>2. Бўш турган ҳозирги кунда фойдаланилмаётган биноларни клиника фаолиятини йўлга қўйиш шарти билан нол балансда тадбиркорлик субъектларига ажратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. | 2020 йил август | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги |
| 3. | Тиббиёт туризмини ривожлантириш бўйича санатория ва сиҳатгоҳлар фаолиятини такомиллаштириш. | 1. Вилоятдаги мавжуд барча санатория ва сихатгоҳларни хорижий туристлар қабул қилишга мослаштириш ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган даражага кўтариш.<br>2. Қўшни мамлакатларда Сурхондарё вилоятининг тиббиёт туризми имкониятлари ва энг машҳур табиий шифо масканлари бўйича тарғибот ишларинии олиб бориш. | 2020 йил | Касаба уюшмалари федерацияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |

ҚҲММБ: 09/20/332/0693-сон
28.05.2020 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 3. Клиника, санатория ва сиҳатгоҳлар қуриш бўйича хорижий инвесторларни жалб этиш ва уларга қулайликлар яратиш. | | |
| 4. | Вилоятда тиббиёт форумларини ўтказиш. | 1. Сурхонларё вилоятида республика кейинчалик ҳалқаро даражадаги тиббиёт форумларини ўтказиш.<br>2. Ушбу форумларни вилоятнинг энг машҳур табиий шифо масканларида ташкил этиш. | 2021-2020 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 5. | Хўжамайхона ғори яқинида клиника ва санатория объектларини қуриб фойдаланишга топшириш. | 1. Хўжамайхона ғори юза қисмидан чиқаётган халқ тилида шифобахш дейилган табиий булоқ суви таркибини ўрганиш.<br>2. Табиий булоққа яқин жойга хусусий клиника ва санаториялар қуриш учун ер майдонлари ажратиш.<br>3. Мазкур ер майдонларини белгиланган тартибда сотувга қўйиш.<br>4. Аукцион шартларини айнан клиника ва санатория фаолиятини ташкил этиш қилиб кўрсатиш ҳамда фойдаланишга топшириш муддатини аниқ белгилаш. | 2021 йил | Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>Касаба уюшмалари федерацияси,<br>Маданият вазирлиги,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 6. | Ғўринбулоқсой яқинида клиника ва санатория объектларини қуриб фойдаланишга топшириш. | 1. Ғўринбулоқсойдан чиқаётган халқ тилида шифобахш дейилган табиий булоқ суви таркибини ўрганиш.<br>2. Табиий булоққа яқин жойга хусусий клиника ва санаториялар қуриш учун ер майдонлари ажратиш.<br>3. Мазкур ер майдонларини белгиланган тартибда сотувга қўйиш.<br>4. Аукцион шартларига айнан клиника ва санатория фаолиятини ташкил этиш қилиб кўрсатиш ҳамда фойдаланишга топшириш муддатини аниқ белгилаш. | 2021 йил | Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>Касаба уюшмалари федерацияси,<br>Маданият вазирлиги,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 7. | “Термиз карго” логистика маркази ҳудудида турли ихтисосликдаги касалликларни даволовчи замонавий клиникалар фаолиятини йўлга қўйиш. | 1. “Термиз карго” логистика маркази ҳудудида 10 та 5 қаватдан иборат замонавий клиникалар фаолиятини йўлга қўйиш.<br>2. Мазкур ҳудудни республикамиздаги энг замонавий диагностика ва даволаниш масканига айлантириш.<br>3. Клиникалар қуришга ер майдонлари ажратиш, ташаббускор тадбиркорларни аниқлаш ва хорижий инвесторларни жалб этиш.<br>4. Ушбу ҳудудда жойлашган клиникаларга турли солиқ имтиёзлари жорий этиш.<br>5. Клиникаларга хорижий малакали мутахасисларни жалб этиш. | 2020-2021 йиллар давомида | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги |
| 8. | Вилоятдаги тиббиёт ходимларини хорижнинг етакчи клиникаларида малака оширишини таъминлаш. | 1. Чет элдаги номдор клиникалар билан икки томонлама шартномалар имзолаш.<br>2. Тиббиёт ходимларини мезонларга мувофиқ саралаб олиш.<br>3. Уларни босқичма-босқич малака оширишга юбориш ва олган билимларини амалда қўллашини таъминлаш. | 2020-2021 йиллар давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси |
| 9. | Сурхонларё вилоятида туғилган ҳозирги кунда хорижда тиббиёт йўналишида фаолият юритаётган ватандошларни вилоятга қайтариш чораларини кўриш. | 1. Асли Сурхондарё вилоятида туғилган, ҳозирги кунда хорижда тиббиёт йўналишида фаолият юритаётган ватандошларни аниқлаш.<br>2. Уларга юртимизда олиб борилаётган ислохатлар бўйича тушинтириш ишларини олиб бориш.<br>3. Уларга давлат ёки хусусий клиникалардан муносиб ишлар тавсия қилиш билан бир қаторда ўз хусусий клиникасини очиш таклифини ҳам бериш. | 2020-2021 йиллар | Ташқи ишлар вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги |

ҚҲММБ: 09/20/332/0693-сон
28.05.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "27" майдаги 332 сон қарорига
4-илова

# Сурхондарё вилоятига қўшни давлатлар аҳолисининг ташрифини санитария-эпидемиологик талабларга қатъий риоя этган ҳолда кўпайтириш бўйича
# ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Вилоятнинг туристик салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида, видео роликлар, туристик карталар, ва бошқа электрон ва босма тарқатма материалларини қўшни мамлакатлар учун турли тилларда (флаер, буклет в.б.) тайёрлаш, интернет орқали ва халқаро тадбирлар давомида тарғиб қилиш. | 1. Мавжуд туризм объектларини хатловдан ўтказиш.<br>2. Ягона туристик харита ишлаб чиқиш бунда, жойлаштириш воситалари, ресторан ва кафелар, боғлар, маданий мерос объектлари ва санитария-гигиена шахобчалар жойлаштирилишини таъминлиш. | 2020 йил августдан бошлаб доимий | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 2. | Қўшни давлатларнинг миллий тадбирларини ўтказиш. | 1. Қўшни давлатларнинг урф-одатлари ва миллий тадбирларини ўрганиш.<br>2. Ўрганиш натижалари бўйича турли тадбирларни вилоятда ўтказиш ва миллий тадбирлар ўтказилаётган давлат куни сифатида белгилаш. | 2020 йил августдан* бошлаб доимий | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 3. | "Бойсун баҳори" фестивалини халқаро даражада ўтказилишини таъминлаш. | 1. "Бойсун баҳори" фестивалини халқаро талабларга мослаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.<br>2. Фестивал ҳақидаги маълумотларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш.<br>3. Фестивалга қўшни мамлакатлардан ҳам иштирокчилар жалб қилинишни таъминлаш. | 2021 йил август* | Маданият вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 4. | Вилоятдаги узумзорлар ҳудудида дегустация марказлари, овқатланиш ва дам олиш ўринларини ташкил қилиш ҳамда сайёҳлар учун узумзор ва вино тайёрлаш заводи бўйлаб экскурсияларини ташкил қилиш. | 1. Вилоятда узум билан шуғулланувчи фермер хўжаликларини аниқлаш.<br>2. Вино дегустация объектлари ташкил этиш истагини билдирган ташаббускорларни аниқлаб, белгиланган тартибда амалий ёрдам кўрсатиш.<br>3. Ҳар йили "узум сайли" тадбири ташкил этиш. | 2020 йил декабрь* | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 5. | Сурхондарё вилоятининг машҳур шахслари уй-кўргазмаларини ташкил қилиш. | 1. Уй-кўргазмалари ташкил этиладиган машҳур шахсларни аниқлаш ва уларнинг яшаб ижод этган уйларини вилоят урф-одатларига мос равишда безатиш.<br>2. Яратилган уй-кўргазмаларига туристларни жалб этиш ва уларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш. | 2020 йил декабрь* | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги |
| 6. | Сурхондарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи фаолиятини такомиллаштириш. | 1. Музейдаги экспонатлар сонини ошириш.<br>2. Музей фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш. | 2020 йил август | Маданият вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 7. | Вилоятда ҳозирги замон талабига жавоб берувчи кинотеатр биносини қуриш ва “Хорижий кинофильмлар кунлари”ни ташкил этиш. | 1. Кинотеатр барпо этиш истагини билдирган ташаббускорларни аниқлаш.<br>2. Кинотеатр фаолиятини ишга тушириш.<br>3. Қўшни мамлакатларда суръатга олинган бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойишини ташкил этиш.<br>4. “Хорижий кинофильмлар кунлари” доирасида семинарлар, маҳорат дарслари ташкил этиш. | 2020-2021 йиллар давомида | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, “Ўзбеккино” миллий агентлиги, Маданият вазирлиги |
| 8. | Вилоятда ресторан ва кафеларни тунги вақтда фаолият юритиш талабларига мослаштириш. | 1. Вилоятдаги кафе ва ресторанларни хатловдан ўтказиш.<br>2. Тунги вақтда фаолият юритиш истагида бўлганларини аниқлаш ва уларга белгиланган тартибда рухсатнома бериш. | 2020 йил август* | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ички ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 9. | Сурхондарё вилоятида “MICE” туризмни ривожлантириш. | 1. Турли тадбирлар ўтказиш имкониятига эга бўлган объектларнинг рўйхатларини шакллантириш.<br>2. Вилоятда қуриладиган меҳмонхоналар, катта анжуман саройлари ва турли объектлар раҳбарларига “MICE” туризми йўналишида тушунчалар бериб учрашувлар, корпоратив маросимлар, конференциялар ва кўргазмалар ўтказиш.<br>3. Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан ҳар йили камида бир маротаба ўзлари томонидан ташкиллаштириладиган турли хил тадбирларни (форум, семинар, конференция ва бошқалар) Сурхондарё вилоятида ўтказиш бўйича маълумотларни шакллантириш ҳамда Туризмни | 2020 йил август*<br>доимий | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар |

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | ривожлантириш давлат қўмитасига тақдим этиб бориш. | | |
| 10. | Музработ тумани “Кампиртепа” ҳудудида жойлашган Амударё қирғоғи бўйидаги Искандар Мақдуний қалъасида туризм марказини ташкил этиш. | 1. Мазкур ёдгорликларга олиб борувчи таъмирга муҳтож бўлган йўлларни ўрганиш ва таъмирлаш.<br>2. Ёдгорликларга олиб борувчи йўл кўрсатгич белгиларини ўрнатиш.<br>3. Санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш.<br>4. Тунги ёритгич чироқларини ташкил этиш.<br>5. Автомобиллар вақтинча турар жойларини барпо этиш. | 2020 йил август | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Маданият вазирлиги,<br>Дин ишлари бўйича қўмита,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 11. | Сурхондарё вилоятида “Япония илмий-амалий маркази”ни ташкил этиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш. | 1. “Япония илмий-амалий маркази”ни ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.<br>2. Ишлаб чиқилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш. | 2020 йил июль | Ўзбекистон фанлар академияси,<br>Маданият вазирлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 12. | Вилоятга туроператорларни жалб қилган ҳолда хорижий туристлар учун махсус “Сурхон ипаги” туризм дастурларини йўлга қўйиш, туристларни ишлаб чиқариш жараёнлари билан таништириш, ипак музейларига ташрифларни уюштириш. | 1. “Сурхон ипаги” туризм дастурини ишлаб чиқиш.<br>2. Туристларни ишлаб чиқариш жараёнлари билан таништириш, ипак музейларига ташрифларни уюштириш<br>3. “Show Room” ташкил этиш ва улар билан боғлиқ бошқа хизматларни йўлга қўйиш. | 2020 йил ноябрь*<br><br>доимий<br><br>доимий | “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 13. | Шеробод туманида М-39 йўналиши бўйлаб тадбиркорлик субъектлари томонидан анорни етиштириш, анор ва унинг пўстлоғидан турли шарбат ва шифобахш ичимликлар тайёрлаш ва анорни қадоқлаш учун мўлжалланган “Анорчилик маркази”ни барпо этиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш. | 1.“Анорчилик маркази”ни барпо этиш бўйича таклифларни тайёрлаш.<br>2.“Анорчилик маркази” ва унга туташ бўлган ҳудудларда анор плантацияларини ташкил этиш мавжудларини янгилаш.<br>3.Анор шарбати (концентрати) ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш.<br>4. Анор пўстлоғини қайта ишлаш орқали доривор воситалар ишлаб чиқариш бўйича таклифлар тайёрлаш.<br>5. Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалида Анор етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳаси бўйича 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш. | 2020 йил июль | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 14. | Олтинсой туманида жойлашган “Султон шарбати” агрофирмасида хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, вино туризми йўналишини ташкил қилиш. | 1. Олтинсой туманида узумчилик хўжаликлари ва уни қайта ишлаш корхоналари фаолиятини ўрганиб чиқиш.<br>2. Узум етиштириш плантацияларини кенгайтириш ва мавжудларини янгилаш.<br>3. “Султон шарбати” агрофирмасида хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, вино туризми йўналишини ташкил этиш. | 2020 йил сентябрь*<br>2020 йил ноябрь*<br>2020 йил ноябрь* | “Ўзшаробсаноат” АЖ,<br>Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 15. | Олтинсой туманида жойлашган “Хўжаипок” ва “Вахшивор” ҳудудларини туристлар ташриф масканига айлантириш | 1.“Хўжаипок” ва “Вахшивор” объеклари ва унга туташ бўлган ҳудудларни хорижий сайёҳлар ташриф буюришини инобатга олган ҳолда ўрганиб чиқиш ва бажариладиган ишлар бўйича таклифларни тайёрлаш.<br>2. “Хўжаипок” ва “Вахшивор” объеклари ва унга туташ бўлган ҳудудларда муҳандислик-коммуникация тармоқларини (электр, газ, ичимлик суви ва алоқа тизими) янгидан қуриш ва мажудларини реконструкция қилиш.<br>3. “Хўжаипок” ва “Вахшивор” объекларига олиб борувчи автомобил йўлларини таъмирлаш.<br>Бунда, автомобилларни вактинча турар жойларини янгидан барпо этишга алоҳида эътибор қаратиш.<br>4. “Хўжаипок” ва “Вахшивор” объеклари ҳудудида санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш.<br>5. “Хўжаипок” ва “Вахшивор” объеклари ҳудудида маҳаллий ва ҳунармандчилик махсулотлари савдосини ташкил этиш. | 2020 йил июль<br>2020 йил III чорак<br>2020 йил III чорак<br>2020 йил III чорак<br>2020 йил III чорак | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 16. | Бойсун туманидаги “Омонхона”, Сариосиё туманидаги “Сангардак” ва Олтинсой туманидаги “Хўжаипок” қишлоқларини ва Шеробод туманидаги “Чорбоғ” маҳалласидаги “Туз кон” мажмуасини Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг реестрига киритиш ҳамда ушбу қишлоқларга “Туризм қишлоғи” ва “Туризм маҳалласи” мақоми берилишини таъминлаш. | 1. Омонхона, Сангардак, Хўжаипок ва Туз кон мажмуаси тўғрисида маълумотларни хорижий туристлар ўртасида кенг тарғибот ишларини олиб бориш.<br>2. Ушбу ҳудудларга “Туризм қишлоғи” ва “Туризм маҳалласи” мақомини бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.<br>3. Бойсун туманидаги “Омонхона”, Сариосиё туманидаги “Сангардак” ва Олтинсой туманидаги | 2020 йил августдан бошлаб доимий<br>2020 йил август | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги,<br>Молия вазирлиги |

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | "Хўжаипок" қишлоқларини ва Шеробод туманидаги Чорбоғ маҳалласидаги "Туз кон" мажмуаси жойлашган қишлоқларни "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурига киритиш бўйича таклиф тайёрлаш. | 2020 йил ноябрь | |
| 17. | "Халқаро Канн" ва "Берлин" кино фестиваллари ҳамда АҚШнинг "Location-Expo" ва Буюк Британиянинг "FOCUS" кинолокация фестиваллари ва ярмаркаларида Сурхондарё вилоятининг жозибадор ҳудудларини кенг тарғиб қилиш. | 1.Сурхондарё вилоятининг жозибадор ҳудудларини тарғиб қилиш ва ҳудудда видео маҳсулотларини тасвирга олиш учун шароитлар яратиш.<br>2. "Халқаро Канн" ва "Берлин" кино фестиваллари ҳамда АҚШнинг "Location-Expo" ва Буюк Британиянинг "FOCUS" кинолокация фестиваллари ва ярмаркаларида Сурхондарё вилоятининг жозибадор ҳудудларини кенг тарғиб қилиш. | доимий | "Ўзбеккино" Миллий агентлиги,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Ўзбекистон миллий кинокомиссияси |
| 18. | Сўфи Оллоёр, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид ва Хўжайпок ота зиёратгоҳларининг инфратузилмасини шакллантириш, ободонлаштириш (зиёратчилар томонидан ибодатларини амалга ошириш учун барча шарт шароитлар, автотураргоҳ, миллий таомлар ошхонаси, айвончалар ва сўрилар), ҳунармандчилик маҳсулотлари сотувини йўлга қўйиш, сувенир дўконларини ташкил этиш ва зиёратгоҳлар тарихини билувчи экскурсоводлар фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда тарғибот материалларини кўпайтириш орқали хизмат кўрсатишни яхшилаш чораларини кўриш. | 1. Сўфи Оллоёр, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид ва Хўжайпок ота зиёратгоҳлари ва унга туташ бўлган ҳудудларни хорижий сайёҳлар ташриф буюришини инобатга олган ҳолда ўрганиб чиқиш ва бажариладиган ишлар бўйича таклифларни тайёрлаш.<br>2. Сўфи Оллоёр, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид ва Хўжайпок ота зиёратгоҳлари ва унга туташ бўлган ҳудудларда муҳандислик-коммуникация тармоқларини (электр, газ, ичимлик суви ва алоқа тизими) янгидан қуриш ва мажудларини реконструкция қилиш.<br>3. Сўфи Оллоёр, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид ва Хўжайпок ота зиёратгоҳларига олиб борувчи автомобил йўлларини таъмирлаш.<br>Бунда, автомобилларни вактинча турар жойларини янгидан барпо этишга алоҳида эътибор қаратиш.<br>4. Сўфи Оллоёр, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид ва Хўжайпок ота зиёратгоҳлари ҳудудида санитария-гигиена шахобчаларини ташкил этиш.<br>5. Сўфи Оллоёр, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид ва Хўжайпок ота зиёратгоҳлари ҳудудида маҳаллий ва | 2020-2021 йиллар | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Дин ишлари бўйича қўмита,<br>"Вақф" хайрия жамоат фонди,<br>Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси |

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | ҳунармандчилик маҳсулотлари савдосини ташкил этиш.<br>6. Сўфи Оллоёр, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид ва Хўжаипок ота зиёратгоҳларни туристик йўналишларга киритиш ҳамда доимий равишда туроператорлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот қилиб бориш. | | |
| 19. | Денов шаҳридаги “Саид оталиқ” мадрасасини сақлаб қолиш ва унинг инфратузилмасини такомиллаштириш. | 1. “Саид оталиқ” мадрасаси ва унга туташ бўлган ҳудудларни хорижий сайёҳлар ташриф буюришини инобатга олган ҳолда ўрганиб чиқиш ва бажариладиган ишлар бўйича таклифларни тайёрлаш.<br>2. “Саид оталиқ” мадрасаси ва унга туташ бўлган ҳудудларда муҳандислик-коммуникация тармоқларини (электр, газ, ичимлик суви ва алоқа тизими) янгидан қуриш ва мажудларини реконструкция қилиш.<br>3. “Саид оталиқ” мадрасасиига олиб борувчи автомобил йўлларини таъмирлаш.<br>Бунда, автомобилларни вақтинча турар жойларини янгидан барпо этишга алоҳида эътибор қаратиш.<br>4. “Саид оталиқ” мадрасаси ҳудудида санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш. | 2021 йил март-апрель | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, “Вақф” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси |
| 20. | Сурхондарё вилоятида Нақшбандия тариқати издошлари бўлган Аловуддин Аттор ва Хўжа Муҳаммад Зоҳидларнинг зиёратгоҳларига мусулмон давлатларидан зиёратчи туристларни жалб қилиш. | 1. Аловуддин Аттор ва Хўжа Муҳаммад Зоҳидларнинг зиёратгоҳлари ва унга туташ бўлган ҳудудларни хорижий сайёҳлар ташриф буюришини инобатга олган ҳолда ўрганиб чиқиш ва бажариладиган ишлар бўйича таклифларни тайёрлаш.<br>2. Аловуддин Аттор ва Хўжа Муҳаммад Зоҳидларнинг зиёратгоҳлари ва унга туташ бўлган ҳудудларда муҳандислик-коммуникация тармоқларини (электр, газ, ичимлик суви ва алоқа тизими) янгидан қуриш ва мажудларини реконструкция қилиш | 2021 йил март-апрель* | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |

| № | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | 3. Аловуддин Аттор ва Хўжа Муҳаммад Зоҳидларнинг зиёратгоҳларига олиб борувчи автомобил йўлларини таъмирлаш<br>Бунда, автомобилларни вақтинча турар жойларини янгидан барпо этишга алоҳида эътибор қаратиш.<br>4. Аловуддин Аттор ва Хўжа Муҳаммад Зоҳидларнинг зиёратгоҳлари ҳудудида санитария-гигиена шахобчаларини ташкил этиш.<br>5. Ушбу алломалар ҳақидаги мавжуд хориж адабиётларининг рўйхатини шакллантириш ва ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда маҳаллий дин вакиллари, туроператорлар, гидларга тарқатиш. | | |

***Изоҳ:*** **Мазкур чора-тадбирлар Режасининг 2-5, 8, 9, 12, 14 ва 20-бандларида белгиланган вазифалар муддатлари коронавирус пандемияси ва карантин чекловлари билан боғлиқ вазиятдан келиб чиқиб узайтирилиши мумкин. Бунда, ушбу чора-тадбирлар карантин чекловлари бекор қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида амалга оширилиши талаб этилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "27" май даги 332 сон қарорига
5-илова

**Сурхондарё вилоятида жойлашган Окс Александрияси (Кампиртепа) археология ёдгорлиги инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда ушбу объектни сайёҳлар ташриф буюрадиган масканга айлантириш**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| № | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар номи | Муддат | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 1. | Сурхондарё вилоятидаги Окс Александрияси (Кампиртепа) археология ёдгорлигининг қазишма ишлари олиб борилган ҳамда бошқа ҳудудларида объектнинг тарихий ҳолатини кўрсатувчи ёзувли кўрсаткичларни ўрнатиш. | 2020 йил август | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги |
| 2. | Тошкент-Термиз М-39 автомагистрал йўлининг Дарбанд йўл постининг кириш жойида эллин маданиятига оид Кампиртепа, Узундара ва Қўрғонзол ёдгорликларидан топилган топилмаларни намойиш этувчи "Оксиарт" музейини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш. | 2020 йил июль | Маданият вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Молия вазирлиги |
| 3. | Фанлар Академияси академиги Э.Ртвеладзе китобларидан ҳамда бошқа тарихий-илмий манбалардан фойдаланган ҳолда археологик ёдгорлик сувенирлари, тарғибот материаллари, ёдгорликнинг харитаси ва видеороликларини тайёрлаш. | 2020 йил август | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги |
| 4. | Халқаро молия институтлари ва ташкилотларнинг грант маблағлари ҳамда қонунда тақиқланмаган бошқа маблағларни жалб қилган ҳолда, Окс Александрияси (Кампиртепа) археология ёдгорлигининг емирилишини олдини олиш, ёдгорликни қайта таъмирлаш ҳамда сақлаш ишларини ташкиллаштириш. | доимий | Маданият вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 5. | Археологик ёдгорлик жойлашувидан келиб чиқиб, атрофида 500 метргача бўлган ҳимоя ҳудудини яратиш ҳамда ёдгорлик ҳудудида ташриф буюрувчиларни қазилма объектларига зарар етказмаслигини таъминлаш мақсадида сайёҳлар юриши учун махсус сўқмоқларни яратиш. | 2020 йил ноябрь | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Молия вазирлиги |
| 6. | Археологик ёдгорликнинг кириш жойида объектнинг тарихий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда рамзий дарвоза ўрнатиш. | 2020 йил ноябрь | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Молия вазирлиги |

| № | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар номи | Муддат | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| 7. | Рамзий дарвоза ёнида Окс Александрияси (Кампиртепа) археология ёдгорлигига ташриф буюрувчиларга кириш чипталарини сотишда, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида замонавий ахборот технологияларини (*электрон билет сотиш тизими, кузатув камералари ва турникетлар*) ўрнатишни таъминлаш. | 2020 йил ноябрь | Маданият вазирлиги,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Молия вазирлиги,<br>ташаббускорлар |
| 8. | Республикада ва хорижий давлатларда археологик ёдгорликка оид сақланаётган манбаларни малакали мутахассис ва экспертлар, олимларни жалб этган ҳолда тадқиқ этиш ҳамда матбуот маҳсулотларини тайёрлаш, ОАВ, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кенг тарғиб қилиш. | доимий | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Фанлар академияси,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 9. | Археологик ёдгорлик ҳақида батафсил маълумотларнинг электрон базасини яратиш ва мунтазам янгилаб бориш. | доимий | Фанлар академияси,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 10. | Археологик ёдгорликда ҳар йили бир марта халқаро илмий анжуманлар ташкил этиш. | 2021 йилдан бошлаб йилда бир маротаба | Фанлар академияси,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Молия вазирлиги |
| 11. | Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Фанлар Академияси академиги Э.Ртвеладзе китоблари ҳамда бошқа тарихий-илмий манбалар асосида объектнинг кичик макетини тайёрлаш, археологик ашёлар, тарихий далил ва ҳужжатлар, замонавий илмий-тадқиқот ишлари, китоб, видео-фотоҳужжатлар ҳамда бошқа манбалар ҳисобига кўргазма-экспозиция ташкил этиш чораларини кўриш. | 2020 йил август | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Фанлар академияси |
| 12. | Окс Александрияси (Кампиртепа) археология ёдгорлигига ташриф буюрувчилар учун қулайликлар яратиш мақсадида:<br>вилоят маркази билан боғловчи транспорт йўналишлари ҳаракатини йўлга қўйиш;<br>ёдгорлик ҳудудини электр энергия билан таъминлаш;<br>ёдгорликка олиб борувчи йўлларда йўл кўрсаткичларини ўрнатиш;<br>микроавтобуслар қатновини йўлга қўйиш;<br>ёдгорлик ҳудудида сув насосларини ўрнатиш; | 2020 йил | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>маъсул вазирлик ва идоралар |

| № | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар номи | Муддат | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | замонавий санитария-гигиеник шоҳобчаларини қуриш;<br>ёдгорлик деворларига зарар етказмасдан, шарқий девор ёнида обидани юқоридан суратга тушириш имконини яратувчи 25-30 метр баландликдан иборат конструкция барпо этиш;<br>енгил конструкцияли умумий овқатланиш шоҳобчаларини ташкил этиш;<br>ҳунармандчилик, савдо шохобчаларни ташкил этиш. | | |
| 13 | Археологик ёдгорликлар учун махсус гидлар тайёрлаш ишларини ташкиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. | 2020 йил июль | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 14. | Экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, туроператорлар учун инфо-турлар ташкил этиш. | 2020 йил | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 15. | Археологик ёдгорликни кенг оммалаштириш ҳамда тарғиб қилиш мақсадида ёдгорлик ҳудудида “Ўтмишга саёҳат” номли этно-археологик онлайн фестиваль ташкил қилиш. | 2020 йил сентябрь | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси |
| 16. | Окс Александрияси (Кампиртепа) археология ёдгорлигини мунтазам равишда тегишли телерадиоканалларда ёритиш, телерадиодастурлар тайёрлаш ва намойиш этиш юзасидан медиа режа ишлаб чиқиш. | 2020 йил июнь | Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси |
| 17. | “Ўзбекистон тарихи” телеканалида ҳар ойда бир маротаба қазишма ишлари ва ёдгорлик ҳақида махсус телекўрсатувлар тайёрлаш. | доимий | Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси |
| 18. | 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб вазирлик маблағлари ҳисобидан мунтазам равишдар республиканинг олий таълим муассасаларидаги археология йўналишларида таълим олаётган бакалавр ва магистр даражасидаги талабаларнинг ишлаб чиқиш амалиётини Окс Александрияси (Кампиртепа) археология ёдгорлиги ва вилоятдаги бошқа археологик ёдгорликларида ўтказилиш. | доимий | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 19. | 2019-2020 ўқув йилдан бошлаб мунтазам равишда ёшларни тарихга бўлган қизиқишларини орттириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ички туризмни ривожлантириш мақсадида республикадаги таълим муассасаларидаги ўқувчи ёшларни таътиллар давомида Окс Александрияси (Кампиртепа) археология ёдгорлиги ҳамда бошқа тарихий ёдгорликларга саёҳатларини ташкил этиш. | доимий | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълим вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |

ҚҲММБ: 09/20/332/0693-сон
28.05.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "27" майдаги 332 сон қарорига
6-илова

**Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги "Қоратепа" ва "Фаёзтепа" ҳамда Шўрчи туманидаги "Далварзинтепа" ёдгорлигини муҳофаза қилиш, ҳудудини ободонлаштириш, инфратузилмасини такомиллаштириш ва сайёҳлар ташриф буюрадиган масканга айлантириш**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Термиз туманидаги "Қоратепа" ва "Фаёзтепа", Шўрчи туманидаги "Далварзинтепа" ёдгорликларининг инфратузилма ҳолатини яхшилаш ва ташриф буюрувчилар учун қулайликлар яратиш. | 1. Мазкур ёдгорликларга олиб борувчи таъмирга муҳтож бўлган йўлларни ўрганиш ва таъмирлаш.<br>2. Ёдгорликларга олиб борувчи йўл кўрсатгич белгиларини ўрнатиш.<br>3. Санитар-гигиеник шохобчалар ва томоша майдонларини ташкил этиш.<br>4. Сўқмоқ (тропинка)лар ва тунги ёритгич чироқларини ташкил этиш. | 2020 йил | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги,<br>Маданият вазирлиги,<br>Транспорт вазирлиги |
| 2. | "Далварзинтепа" ва "Қоратепа" ёдгорликлари ҳудудида археология туризмини ривожлантириш мақсадида археологик тадқиқот майдонларини кенгайтириш. | 1. Тадқиқот майдонларини кенгайтириш.<br>2.Археологик тадқиқотлар натижаларини кенг тарғиб қилиш ва туристларни жалб қилиш ишларини олиб бориш. | 2020 йил октябрь | Фанлар академияси,<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Маданият вазирлиги |
| 3. | Термиз туманидаги "Қоратепа" ва "Фаёзтепа", Шўрчи туманидаги "Далварзинтепа" ҳудудларининг 3D-видеороликларини яратиш ва кўзи ожиз сайёҳлар учун археологик ва меъморий жозибасини сақлаб қолган макетлар яратиш. | 1. Мазкур ҳудудларнинг 3D-видеороликларини яратиш.<br>2. Ташриф буюрган кўзи ожиз сайёҳлар учун археологик ва меъморий жозибасини сақлаб қолган макетлар яратиш | 2020 йил сентябрь | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Маданият вазирлиги |
| 4. | Термиз шаҳри "Бахт боғи" ҳудудида 6,6 гектар майдонда япон боғи, япон услубидаги меҳмонхона ва Кюдзе Като мемориал музейини | 1. Япония маданияти ва услубини яқиндан ўрганиш.<br>2. Ташаббускор тадбиркорларни аниқлаш. | 2020-2022 йиллар | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | ўз ичига олган Марказий Осиё тарихи ва маданияти маркази биноси қуриш. | 3. Лойиҳалаштириш ишларини якунлаш ва қурилиш ишларини бошланишини таъминлаш. | | Маданият вазирлиги, тадбиркорлик субъектлари |
| 5. | Кюдзо Като яшаб фаолият олиб борган ҳовлини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ва яшаб ўтган ҳаётини акс эттирувчи уй музейига айлантириш. | 1. К. Като яшаган уйни таъмирлаш.<br>2. Унинг ҳаёт тарзини акс эттирувчи турли жиҳозлар билан таъминлаш. | 2020 йил | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 6. | Кюдзо Като яшаган бинога туташ бинолар хоналарида меҳмон уйларини, чой тайёрлаш маросими хоналарини, тамаддихона ва савдо нуқтасини ташкил қилиш. | 1. Алоҳида хоналарни меҳмон уйи сифатида ташкиллаштириш.<br>2. Унда япон ва ўзбек чой қуйиш маданиятини кўрсатишни йўлга қўйиш.<br>3. Япон услубида енгил тамаддихона ва савдо нуқтасини ташкиллаштириш. | 2020 йил | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси |
| 7. | Кюдзо Като хотирасига бағишлаб ҳамда археологик туризмга оид турли семинар ва форумлар ўтказиш. | 1. Япония оммавий ахборот воситалари вакиллари, археология соҳасидаги муассасалар ва бошқа алоқадор ташкилотлар билан Ўзбекистонда турли форум ва семинарлар этишнинг муҳимлиги тўғрисида музокаралар ўтказиш.<br>2. Мазкур форум ва семинарлар ўтказишнинг молиявий манбаларини аниқлаш.<br>3. Ўтказиладиган тадбирларни Япония ва Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш. | 2021-2022 йиллар | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Маданият вазирлиги |
| 8. | Япония туризм бозори учун буддизм ҳамда Кюдзо Като амалга оширган ишлар бўйича япон тилида тарқатма материаллар тайёрлаш, унинг ҳаёти ва ижоди бўйича видеороликлар тайёрлаш ҳамда уларни Ташқи ишлар вазирлиги орқали Японияning таълим | 1. Кюдзо Като амалга оширган ишлар бўйича япон ва бошқа тилларда тарқатма материаллар ва видеороликлар тайёрлаш.<br>2. Тайёрланган метариалларни Uzbekistan.travel" каби туризм веб-порталларида, туроператорларнинг веб-сайтларида ва ижтимоий тармоқларда жойлаштириш ва бошқа туризм соҳаси вакилларига етказилишини таъминлаш. | 2020 йил | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | масканлари, туризм соҳаси вакиллари ҳамда археология соҳасидаги муассасаларга етказиш ва тарғибот ишларини олиб бориш. | 3. Япониянинг таълим масканлари, туризм соҳаси вакиллари ҳамда археология соҳасидаги муассасаларга етказиш.<br>4. Тошкент, Самарканд, Бухоро ва Термиз аэропортларидаги туризм ахборот марказларида, шунингдек, Япония, Корея ва Хитой мамлакатларидан келувчи самолётларда Сурхондарёдаги буддизм билан боғлиқ тарихий объектлар бўйича турли буклетлар ва флаерлар жойлаштирилишини таъминлаш. | | |
| 9. | “Қоратепа” ва “Фаёзтепа” ёдгорликлари ҳудудига турли хорижий давлатлар, айниқса Япония оммавий ахборот воситалари ва туроператорлари вакиллари учун инфотурлар ташкил этиш. | 1. Япония оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа машҳур блогерларнинг рўйхатларини шакллантириш.<br>2. Шакллантирилган рўйхат асосида уларнинг Сурхондарё вилоятига инфо турлар ташкил этиш..<br>3. Инфотур жараёнларини Япония ва Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш. | доимий | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Ташқи ишлар вазирлиги,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 10. | “Қоратепа” ва “Фаёзтепа” ёдгорликлари ҳудудига Япон, хитой ва корейс тилларида фаолият юритувчи гидлар билан таъминлаш ишларини олиб бориш. | 1. Япон, хитой ва корейс тилларини билувчиларни гидлик фаолиятига қизиқтириш ва жалб этиш.<br>2. Япон, хитой ва корейс тилларида фаолият юритувчи гидларни тайёрлаш бўйича тегишли чоралар кўриш.<br>3. Тайёр бўлган гидлар тўғрисидаги маълумотларни туроператорлар ва бошқа соҳа вакилларига етказилишини таъминлаш. | 2020 йил | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 11. | Япония, Хитой ва бошқа Осиё мамлакатлари миллий ошхоналари фаолиятини йўлга қўйиш. | 1. Турли Осиё мамлакатларининг миллий ошхона ва тамаддихоналарини ташкил этиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари рўйхатларини аниқлаш. | 2021 йил | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | 2. Аниқланган рўйхат асосида Япония, Хитой ва бошқа Осиё мамлакатлари миллий ошхоналари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш.<br>3. Фаолияти йўлга қўйилган турли мамлакатлар миллий ошхоналари тўғрисидаги маълумотларни туроператорлар ва бошқа соҳа вакилларига етказилишини ҳамда туризм йўналишига киритилишини таъминлаш. | | |
| 12. | Далварзинтепа археологик ёдгорликни музейлаштириш чораларини кўриш. | 1. Маданият вазирлигининг реставрация ва консервация ишларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлари ҳисобидан Далварзинтепани музейлаштириш чораларини кўриш. | 2020 йил | Маданият вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 13. | К. Като яшаган ҳудудга туташ бўлган 43-сонли умумий ўрта таълим мактабини ободонлаштириш. | 1. К. Като яшаган ҳудудга туташ бўлган 43-сонли умумий ўрта таълим мактабини ободонлаштириш, таъмирлаш, ёритиш тизимини яхшилаш ва ундаги музейни замонавий асбоб-ускуналар билан жихозлаш.<br>2. Ушбу мактабга Кюдзо Като номини бериш.<br>3. Мактаб ва К. Като яшаган уй ўрталигида жойлашган боғни япон услубида “Дўстлик” боғига айлантириш ва унда К. Катонинг бюстини ўрнатиш. | 2021 йил | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги |
| 14. | К. Като яшаган ҳудудга туташ бўлган 43-сонли умумий ўрта таълим мактабининг фаолиятини такомиллаштириш. | 1. Мактабни япон ва инглиз тилларида дарс беришга ихтисослаштириш.<br>2. Ёш археологлар мактабини ташкил қилиш.<br>3. Фанлар академияси ва бошқа таълим муассасаларидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда доимий равишда турли маҳорат дарсларини ташкил қилиш. | 2020 йил | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 15. | Фанлар академиясининг олимлари учун буддизм йўналишида экспедициялар ташкил қилиш. | 1. Фанлар академиясининг олимлари учун Сурхондарё вилоятида буддизм йўналишида экспедициялар ташкил қилиш.<br>2. Экспедиция якунлари бўйича тайёрланган маълумотларни кенг жамоатчиликка ҳамда буддизм йўналишида янада кўпроқ туристларни жалб қилиш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига тақдим этиш. | 2020 йил | Фанлар академияси, Маданият вазирлиги Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 16. | Ёш олимларга Сурхондарё вилояти бўйлаб экспедиция ташкиллаштириш. | 1. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100,0 млн.сўм ажратиш ва ёш олимларга Сурхондарё вилояти бўйлаб экспедиция ташкиллаштириш.<br>2. Экспедиция якунлари бўйича тайёрланган маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда туризм маҳсулоти яратишда кенг фойдаланиш ва тарғиб қилиш. | 2020 йил | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 17. | NHK телекомпанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасига бағишланган кўрсатув тайёрлаш. | 1. Япон томонининг қизиқиши асосида, кўрсатувнинг концепцияси ва сценарийсини аниқлаш, кўрсатув тайёрлаш бўйича музокаралар ўтказиш<br>2. NHK компанияси тасвирга олиш гуруҳининг Ўзбекистонга ташрифи муддатларини аниқлаш.<br>3. NHK тасвирга олиш гуруҳининг Ўзбекистоннинг турли шаҳарларига ташрифини ташкил этиш.<br>4. NHK телеканалида кўрсатув намойишини ташкил этиш. | Келишувга асосан | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси |
| 18. | Ўзбекистонда япон миллий чой маросими намойишини ва уни | 1. Тадбирнинг ташкилий-техник жиҳатларини ишлаб чиқиш.<br>2. Тадбирни ўтказиш. | 2020 йил | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, |

ҚҲММБ: 09/20/332/0693-сон
28.05.2020 й.



| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | ўтказиш бўйича мастер-класслар ташкил этиш. | | | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги |
| 19. | Ўзбекистон музей ва галереяларида Япония тарихи ва маданиятига бағишланган кўргазмалар ташкил этиш. | 1. Кўргазма концепциясини ишлаб чиқиш.<br>2. Кўргазмаларни ташкил этиш ва ўтказиш. | 2020 йил | Маданият вазирлиги,<br>Фанлар академияси |
| 20. | Япония маданияти, таълими ва мактаблари тўғрисидаги япон телесериалларини олиш бўйича кўмаклашиш.<br>Япония телеканалларида ўзбек миллий телесериалларини намойиш этилишида кўмаклашиш. | 1. Япония маданий-тарихий ва замонавий ривожланиши, мактаб таълими, ёш авлодни тарбиялашни кўрсатиб берувчи миллий телесериаллар ўзаро алмашинуви масаласини ишлаб чиқиш.<br>2. Япония телеканалларида ўзбек миллий телесериалларини намойиш этилишида кўмаклашиш. | 2020-2021 йиллар | Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,<br>Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси,<br>Ташқи ишлар вазирлиги |
| 21. | Термиз туманидаги “Зурмала” ёдгорликларининг инфратузилма ҳолатини яхшилаш ва ташриф буюрувчилар учун қулайликлар яратиш. | 1. Мазкур ёдгорликларга олиб борувчи таъмирга муҳтож бўлган йўлларни ўрганиш ва таъмирлаш.<br>2. Ёдгорликларга олиб борувчи йўл кўрсатгич белгиларини ўрнатиш.<br>3. Санитар-гигиеник шохобчалар ташкил этиш.<br>4. Тунги ёритгич чироқларини ташкил этиш.<br>5. Автомобилларни вактинча турар жойларини барпо этиш. | 2020 йил | Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги,<br>Транспорт вазирлиги,<br>Молия вазирлиги,<br>Энергетика вазирлиги |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3